


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Ёш футболчиларни назарий билимларни ошириш

(Ўқув-услубий қўлланма)



Тошкент -2013

Муаллиф: Бекторов О.Ё.- ЎзДЖТИ футбол назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

Ўқув услубий қўлланма ЎзДЖТИ СМК йиғилишида кўриб чиқилди ва нашр тавсия этиш учун тавсия этилди.

КИРИШ

Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш, қобилиятли ёшларни спортга жалб этиш, миллий футболимизни янада қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш учун шарт шароитлар яратиш, ёш футболчиларни танлаб олиш ва уларда профиссонал махорат ҳамда кўникмаларни чуқур ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, улардан футбол бўйича мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захирани шакллантириш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президнети ва Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу ҳужжатларда ёш футболчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник тактик кўникмаларни такомиллаштириш, профессионал фазилатларни ривожлантириш, шунингдек, замонавий футболни ривожлантириш халқаро талабларига мувофиқ ҳолда ёш футболчиларни тайёрлаш жараёнини илмий услубий тавсиялар асосида ташкил этиш вазифаларни белгиланади.

Мамлакатимизда футбол спортини ривожлантиришда, футбол бўйича мактаб интернатларда, болалар ва ўсмирлар мактабларида, футбол клубларда ва терма жамоаларда ўқув машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, мураббийларнинг махорат ва малака даражасини ошириш, шунингдек республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида футболни фаол тарғиб қилишда бир қанча ишлар амалга оширилиб келмоқда.

Футбол мутахассисларнинг фикрича ёш футболчиларнинг техник тактик кўникмаларни эгаллашда ортда қолишларни, энг аввало ёш футболчиларни тайёрлашнинг дастлабки босқичларидаёқ юзага келадиган муаммолар билан изохлаш мумкин.

Сўнги йилларда футболимизда ёш футболчиларимизнинг ўйин натижаларни оширишда илмий – назарий, тадқиқот ишлари олиб борилаётгани ва бунда ёш-ўспирин футболчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги, техник ҳаракатларни такомиллаштириш, машғулот жарёнларни тўғри режалаштириш ишлари ўрганилмоқда. Бу тадқиқотлар, изланишлар албатта футболимиз ривожланишида ўз натижасини бермоқда. Аммо, лекин ёш футболчиларимизга берилаётган таълим машғулотлар самарали ташкил этилишида кўпгина камчиликлар йўқ эмас. Футбол спорт мактабларида ўқув машғулот жараёнини ташкил этиш ҳозирги замон машғулотларининг методлари асосида ёш футболчиларга юқори машғулотлар юкламасини ўзлаштириш орқали амалга оширилиши сир эмас.

1.1. Назарий машғулотларни олиб бориш усулияти ва уни ташкил этиш

Назарий машғулотларни олиб бориш ёш спортчиларнинг спорт маҳоратини тезроқ ривожланишига ёрдам беради. Машғулот ўтиш тайёргарлигини шартли равишда ўзаро боғлиқ бўлган икки қисмга ажратиш мумкин:

- назарий тайёргарлик, яъни тактик буйича махсус билимларни ўзлаштириш
- амалий тайёргарлик, яъни алоҳида гуруҳлий ва жамоавий ҳаракталарни ўзлаштириш шунингдек, ўйинчиларни ижодий қобилиятини ривожлантириш.

Амалиётдан маълумки, ким назарий жихатдан яхши тайёргарлик кўрган бўлса, тактик кўникмаларни эгаллашда муваффақиятга эришади. Назарий билимлар мураккаб ўйин вазиятларда тўғри мўлжал ола билишга, эҳтимоллик қарорларни баҳолаш ва уларни таҳлил этишга, уларда энг самарадорлигини танлаб олишга ёрдам беради.

Тактикада назарий тайёргарлик ўйин қоидаларини билиш ва тактиканинг алоҳида воситаларини эгаллашни кўзда тутди. Футболчи ўйиннинг асосий тизимлари ва уларнинг вариантларини жамоадаги муайян ампула ўйинчиларининг вазифасини учрашувнинг ҳар хил босқичларидаги ҳаракатларнинг ўзаро муносабатини объектив шарт-шароитларнинг ўйин жарёнига таъсири ҳамда ташқи омиллардан жамоа манфатлари йўлида фойдаланишни билиш зарур. Ҳар бир ҳаракатда буларнинг

барчасини инобатга олиш керак. Тактик маҳорат ўсиб борган сайин билимларнинг ўйин жараёнининг кўрсатадиган таъсири ҳам ортади. Футбол тактикаси назариясини ўрганиш ўйиннинг асосий қоидаларини тушунтиришдан бошланиб, улар ўйин машқларини бошқариш давомида ҳамда машғулот ўйинлари вақтида амалий жihatдан ўзлаштирилади. Мураббий жамоа ичидаги вазифаларнинг тақсимланиши алоҳида ўйинчилар олдиларидаги муаммолар ҳақида ёш шуғулланувчиларга тўлиқ тушунарли маълумот бериши, муайян ҳудудда ўйнайдиган аниқ бир ўйинчининг ҳаракатлари ёрдамида ихтисослаштирилган тарзда айрим ўйинчиларнинг асосий вазифаларини таърифлаб бериши лозим.

Ўргатишнинг кейинги поғанаси ўйиннинг алоҳида боскичларини батафсил таҳлил қилиб чиқади. Яхшиси бундай таҳлилда ўтказилган учрашувларда ўйинчилар йўл қўйган камчиликларни танқид қилиб утган маъқул. Ўйин боскичлари таҳлилидан сўнг турли мураккабликдаги тактик вазифаларнинг назарий ечимини ўрганишга ўтиш мумкин. Ҳаракат кўникмаларини ўргатиш жараёнида тактик фаолиятларни амалга жорий этиш учун шуғулланувчиларга йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш ҳамда ўрганилган ҳаракатнинг мустаҳкамлаш усуллари ҳақида тушунча берилади.

Тактикани ўргатиш ва уни такомиллаштиришнинг асосий усуллари:

1. Машқ қилиш усули. (Ўрганилаётган ва янги машқларни кўп қарра такрорлаш) Шуғулланувчиларда ҳаракатланишнинг динамик қолиплари стереотиплари шаклланишида ёрдам беради.

2. Намойиш этиш ва курсатиш усули.
3. Сузлашиш усули.
4. Яхлит қисмларга бўлинган усул (яхлит тактик ҳаракатларга ўтишдан аввал улардан ҳар бирининг асосий қисмлари ўзлаштирилади. Одатда тактик ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва шакллантириш учун яхлит усулга мурожаат этилади).
5. Тактикага оид киноматериаллар таҳлили рақиб жамоа ўйинини баҳолашда жуда катта аҳамиятга эга. Ўйинларни видео тасмага туширишнинг афзаллиги шундаки, у рақиблар ўйинини кўп мароталаб кўриб ўрганишга имкон яратади. Бундан ташқари ўз тактик ҳаракатларини таҳлил этишга энг самарали йўлларидан биридир.
6. Ўз ҳаракатлари ва рақиб ҳаракатларини таҳлил этиш.

Одатда мураббийлар кузатувни мустақил равишда олиб боришни афзал деб биладилар. Шундан кейин ўйинчиларга фаолият кўрсатиш вариантларининг тайёр қолипларини берадилар: бу ёш футболчиларни ташаббускорлик ва мустақилликдан маҳрум этади. Демак, уларнинг ўйин тафаккурини ривожлантиришга йўл қўймайди. Ёш футболчиларнинг ўйин мусобақаларини кўришга жалб этиш жуда муҳим. Уларни шунчаки ўйин томоша қилишга эмас, балки жамоа қўллаётган тактик вариантларга, хужум ва химояда ўйинни ташкил этиш йўлларига, тактик вазифаларни ҳал этишда ўйинчилар қўлайдиган воситаларга эътибор қаратишни ўргатиш зарур. Ёш футболчи тактик вазифалар устида қанчалик кўп ўйлаб, уларнинг ечимини топса, ҳар хил шароитларда турли

рақиблар билан ўйинлардаги ўз тактикаси ҳамда шахсий тажрибасини канчалик чуқур таҳлил этса, ўзини ўйин вазифаларини тўғри тушуниш ва баҳолашга ўйин пайти олдига қўйиладиган хилма хил вазифаларни мустақил равишда ижодкорона ҳал этишга шунча яхши тайёрлайди.

Тактик ҳаракатларни ўйин техникаси билан бир вақтда ўрганиш мақсадга мувофиқлиги юқори бўлимларда эътироф этилганди. Чунки дастлабки машғулотларда ёш футболчиларда мустақиллик, мўлжал олиш тезкорлиги ҳамда ижодий фаолликни тарбиялаш жуда муҳим. Шунда машқларни танлаш керакки, уларни бажариш чоғида шуғулланувчилар вазиятни англаб, муайян қарорлар қабул қилиши, ўз фаолиятини баҳолаб, умумлаштира олиши лозим.

Тактикани ўзлаштиришнинг дастлаби боскичида мураккаб реакциялар тезкорлиги мўлжал олиш ва зийраклик, футболчиларда кўпроқ жисмоний ва техник тайёргарлик жараёнида ривожланиб боради. Бунинг учун машқларга қўшимча шароитлар киритилади:

- овозли ва кўриш мумкин бўлган сигналлардан фойдаланилади. (ўйинчилар тўп билан ёки тўпсиз бажарадиган у ёки бу ҳаракатларни тез ўзлаштира олишлари учун)

- тўпларнинг миқдори, фишкалар, ёрдачи жихозлар билан боғлиқ машқларнинг мўлжал ёки чегаралари сони кўпайтирилади.

- ҳаракатларнинг мураккаблаштириш, қийинлаштиришга ўргатилади, уларда шуғулланувчиларнинг жой алмаштириш тезлигининг ҳаракат йўналишига боғлиқ булади.

- шартли шерикларининг фаол ёки пассив қаршилигидан фойдаланилади, бунда қўшимча шароитлар ёки мураккаблаштиришлар техник усуллар асосида ётувчи жисмоний сифатларнинг ривожлантиришига ёки ҳаракат кўникмаларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмаслигига аҳамият бериш муҳим.

Техникага оид у ёки бу машқни бажаришда аввал, шуғулланувчиларнинг имкониятига мос шундай тактик топшириқ танлаб бериш керакки, усулларнинг ўзлаштирилишини мураккаблаштирмасин, балки унинг тўғри англанишига ўзгарувчан шароитларда оқилона қўлланилишига қўмаклашсин. Масалан, ёш футболчи бир вақтнинг ўзида ҳаракат бошлаш учун қулай пайт танлаб, ҳам зарба йўналишини аниқлаши ёки шерикларининг жойлашуви ва силжишига қараб тўпни олиб юриши лозим бўлган шароитларда машқ бажариши мумкин. Кейин алоҳида ҳаракатларни ўзлаштириш рақибсиз ўтказилган машқларда пассив рақиблар билан ва нихоят ўйин машқларида фаол рақиб билан давом эттирилади. Бу босқичда муҳим вазифани бажаради. Унинг фаолиятини мураббий йўналтириб туради. Ўрганилган кўникма ўйин шароитида кўп маротаба такрорлаш йўли билан мустаҳкамланади. Бундай ёш футболчига муайян топшириқлар берилади. Ўқув-машғулот ва ўртоқлик ўйинларида химоядан ҳужумга ва ҳужумдан химояга ўтишда тўпни ўйинна киритиш вақтида жой танлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўйинчиларнинг рақибдан узилиб кета олишига, жамоа ўйинчиларинг очик жойига

чикишига шунингдек, ўз ўйинчиларни йўқотган захоти рақиб ўйинчисини ўз вақтида тўғри бекитишга эришиш керак.

Футболда гурухли тактик ҳаракатларнинг асосини 2, 3 ва ундан кўпроқ ўйинчиларнинг муайян усуллардаги ўзаро муносабатлари ташкил этади аҳамият бериши зарур. Икки ва уч ундан ортиқ ўйинчиларнинг муносабатларини янада такомиллаштириш ўйин машқлари ва ўқув ўйинлари жараёнида давом эттирилади. Ўйин машқлари дастлаб, ҳужумчилар миқдори жиҳатдан усутнлигида, кейин ҳужумчилар ва ҳимоячилар сонини тенглаштириб ва нихоят ҳужумчилар мидорни камайтириб ўтказилади. Ўйин машқлари ҳамда ўқув ўйинларига футбочиларни ўрганилган усулларни қўлай вазиятларда қўллашга мажбур қилувчи шароитларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ўйин машқларини бажариш ва ўқув ўйинларини бажариш чоғида мураббий шуғулланувчиларнинг ҳаракатларини тўғри давом эттириши учун энг қулай вариантларни танлаш малакасига юзага келган вазиятни мустақил баҳолай олишга муайян шароитда мўлжал олиш тезлигига алоҳида аҳамият бериши зарур.

1.2. Ёш футболчиларнинг тактик тайёргарлиги

Футболчиларнинг ўйин фаолияти шароитларида яхши мўлжал олиш ва тактик жиҳатдан тўғри қарор қабул қилиш қобилияти кўп жиҳатдан техник усулларни мақсадга мувофиқ равишда қўллаш, яъни уларнинг техник қуролланганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ёш футболчи техник усулларни мунтазам такомиллаштира бориб жуда кўп миқдордаги ҳаракат кўникмаларини эгаллаб олгандагина,

яхши тактик тайёргарликка эришиши мумкин. Ўйинчининг техник маҳорати ё шериклари билан ҳамкорликда, ёки индивидуал равишда исталган тактик ғоянинг амалга оширилишини таъминлаши керак. Ҳар бир футболчининг тактик жиҳатдан юқори индивидуал тайёргарлиги бутун жамоа тактикасининг самарали бўлишини белгилаб беради.

Ёш футболчилар билан ўтказиладиган ҳар бир ўқув-машғулотни босқичи муайян йўналишга ва тегишли ўқув материалларига эга бўлиши керак.

Дастлабки тайёргарлик босқичида асосий вазифа ўйинда фикр юритиш қобилиятини тарбиялаш ва футбол ўйини жараёнига қизиқиш уйғотишдан иборат. Машғулотларда мураккаб реакция тезлиги, мўлжал олиш, идрок, мустақиллик жамоада иш кўра билиш кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган машқлар бажарилади. Ўйинда фикр юритиш қобилиятини тарбиялаш учун ўйин фаолияти характериға кўра футболға яқин бўлган ҳаракатли ўйинлардан кенг фойдаланилади. Ҳаракатли ўйинлар рақиб “таъқиб”идан қутилиш ва бўш жойға чиқиш, ўз вақтида тўп ошириш, ҳужум ёки ҳимоя вақтида тезлик билан қулай вазиятни эгаллаш кўникмаларини тарбиялайди. Тактик тайёргарликда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш тўпни эгаллаб олишнинг мураккаб техникаси йўқлиги билан ҳам белгилангандир. Бу шуғулланувчиларнинг диққат-эътибори ўйин жараёнини тушуниб олишға қаратилади, жуда кўп вазиятларда мустақил қарор чиқариб олиш имкони юзаға келади. Ўйинларда ҳужум ва ҳимоядаги

индивидуал ҳамда энг оддий гуруҳли ҳаракатлар тарбияланади. Ўйинчининг «очилиши» ва «ёпилиши» каби тактик ҳаракатларни, энг яхшиси, спорт ўйинларга оид ҳаракатли ўйинларда ўрганган маъқул.

Мураббий ўйин моҳиятини тўғри тушуниш ҳиссини тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, қабул қилинган ҳар бир нотўғри қарорни эътибордан четда қолдирмаслиги, бажарилган ҳаракатга баҳо бериши керак. Шунинг учун мазкур босқичдаги ҳар бир машғулоти мазмунининг асосий йўналиши – ўйинни олиб бориш тажрибасини эгаллаш ва уни тўлдириб боришдан иборат.

Бошланғич спорт ихтисослашуви босқичи тактик тафаккурни (ўйинчининг тактик жиҳатдан фикр юритиш қобилиятини) ривожлантиришни ҳамда асосий индивидуал ва гуруҳли тактик ҳаракатларни ўрганишни назарда тутди. Машғулотларда қуйидагилар:

- назарий билимлар, тактик кўникма ва малакалар заҳирасини кенгайтириш;
- ўзлаштирилаётган билим, кўникма ва малакаларни доимо ўзгарувчан ўйин шароитидаги ижодий имконияти эътиборга олиниш керак.

Машғулотларда спорт ўйинлари тактикасининг умумий асосларини ўрганишга, футбол ўйини тактикасини, ўйинчиларнинг индивидуал ва гуруҳли ҳаракатларини қараб чиқишга катта ўрин берилади. Шу мақсадда футболчининг мустақил иш олиб боришида мавжуд барча формалардан, тактик тайёргарликнинг назарий асосини яратишга ёрдам берувчи формалардан (адабий манбалар,

киноматериаллар, шахсий кузатишлар) фойдаланилади. Ўйин қоидаларини ўрганиш ҳамда индивидуал ва гуруҳли ҳаракатларни ташкил этишда уларни ҳисобга олиш лозим. Танишиш асносида қоидаларни расм, схема, макетда акс эттирилган ўйин вазияти ва ҳоказолар билан тўлдириб тушунтириш, уларни қўллашга оид амалий мисоллар келтириш фойдалидир.

Асосий тактик ҳаракатларни ўрганиш жараёнида тактик тафаккур шакллантирилар экан, асосий эътибор қабул қилинган тактик режани амалга ошириш учун ўйин олиб боришнинг шуғулланувчилар қабул қилган муайян воситалари ва усуллари мақсадга қанчалик мувофиқлигини таҳлил қилишга қаратилади.

Ҳужум ва ҳимоянинг доимо ўзгарувчан шароитларида конкрет индивидуал ва гуруҳли ҳаракатларга алоҳида эътибор бериб бажариладиган машқлар ҳам ўрганилади.

Айрим ўйин вазиятларини ижодий ҳал этиш қобилияти ўйинчиларнинг энг муҳим малакаси ҳисобланади. Бу малакани ривожлантириш бошланғич спорт ихтисослашувининг асосий вазифаларидан биридир.

Жиддий машқ қилиш босқичидаги тактик тайёргарлик ўзлаштириб олинган индивидуал ва гуруҳли ҳаракатларга алоҳида эътибор берган ҳолда олиб борилади. У футболчиларнинг комбинацион ўйин олиб бориш қобилиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Жамоада тактик ҳаракатларни такомиллаштиришга катта эътибор берилади. Ҳар бир ўйинчи жамоада қандай ўрин эгаллашига қараб ўз

тактик ҳаракатларини такомиллаштиради. Машқларга ҳам ҳужумчи, ҳам ҳимоячи ҳаракатлари киритилади. Ўз-ўзини таҳлил қилиш қобилиятини, вужудга келган ўйин шароитида тўғри йўл топа билиш, ўйин вазиятини характерловчи кўп сонли моментлардан энг муҳимини ажратиб олиш кўникмаларини тарбиялаш жуда муҳимдир.

1.3. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси футболчиларнинг майдондаги тактик ўйинлари кўрсаткичларининг таҳлили

Бугунги кунга келиб ФИФА, ОФК, ташкилотлари ўсмирлар, ёшлар ўртасида, Жаҳон ва Осиё чемпионатларни ўтказиб келишмоқда. Осиё футбол Конфедерацияси сўнгги йилларда футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатини бизнинг давлатга ишониб топширмоқда ва 2008 ва 2010 йилларда айнан ўсмирлар ўртасидаги осиё Чемпионатлари Тошкент шаҳрида юксак даражада ўтказилиди.

Алббата ушбу ўсмирлар ўртасидаги осиё чемпионатида Осиё қитъасининг кучли 16 та (У-16) терма жамоалари иштирок этишлари уларнинг тактик тайёргарлик даражаларни кўрсатиб беради. Айнан ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатидаги терма жамоалардаги футболчиларнинг индивидуал, жамоавий тактик ҳарактлари уларнинг кейинги фаолиятидаги натижаларни кўрсатиб бера олади.

Кўпгина мутахассислар ўсмирлар ўртасидаги ўртасидаги осиё чемпионатида ёш футболчиларнинг майдондаги техник ва тактик ўйинларни кўрсатган натижаларига қараб уларнинг истидодли, яхши

тайёргарлига эга эканлигини эътроф этишган ва уларни келажакда махоратли футболчи бўлиб етишишига ишонишган. Бу футболчиларга бугунги кунда жахон миқёсида малакали ҳисобланган Накамура, Нишизава, Наката, Парк Жун Сун, Кагава сингари ўйинчилар ўзларнинг ўсмирлик даврдаги Осиё чемпионатларида ҳар томонлама аъло даражадаги ўйинларни кўрсатишган. Ушбу футболчиларнинг техник-тактик ҳарактларидаги самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлганлиги мутахассислар томонидан такидланган.

Биз ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоа футболчиларнинг ўйиндаги тактик натижаларни билиш мақсадида Тошкент шаҳрида ўтказилган 2008 ва 2010 йиллардаги Осиё чемпионатларида ўйинлари таҳлил қилинди.

2008 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўйин натижаларига бўйича гуруҳ учрашувларида учта ўйинда иккита ғалаба бир мағлубият ва чорак финалда мағлубиятга учраганлар. Мағлубиятга учралган ўйинларда ўсмирлар терма жамоамиз химоявий тактик ўйин услубида ҳарактланишганликларини жадваллардан билишимиз мумкин.

Ўсмирлар терма жамоамизнинг ушбу осиё чемпионатидаги ғалаба қозонилган ва мағлубиятга учраган ўйинларда амплуалар бўйича ўрганилганда самарадорлик натижлари фарқлар каттагини эканлигини аниқладик.

2008 йилдаги Осиё чемпионати ўйинларида ўсмирлар терма жамоамиз ғалаба қозонилган ўйинларда химоячилар ўртача 0,78 – 0,84,

ярим химоячилар 0,76-0,77, хужумчилар 0,70-0,71 техник-тактик самарага эришганлар. Мағлубиятга учралган ўйинларда бу кўрсаткичлар анча камайган яъни химоячилар 0,75 -0,78, Ярим химоячилар 0,71-0.73, хужумчиларда 0,64-0,65 коэффицентини кўрсатган.

1-жадвал

**2008 йилги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма
жамоасининг ўйин кўрсаткичлари**

	Ўзбекистон жамоаси рақиблари	Мадондаги тактик жойлашуви	Ўйинда тўпни назорат қилиш	Хафли хужумлар сони	Ўйин натijasи
1.	Ўзбекистон	1-4-4-2	66 %	13	4
	Сингапур	1-5-4-1	34 %	2	0
2.	Ўзбекистон	1-4-5-1	49 %	4	1
	Эрон	1-4-4-2	51 %	9	2
3.	Ўзбекистон	1-4-4-2	50 %	5	2
	Бахрайн	1-4-4-2	50 %	7	0
4.	Ўзбекистон	1-4-4-2	48 %	3	0
	Ж.Корея	1-4-5-1	52 %	8	3

**2008 йилги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма
жамоаси футболчиларнинг амплуалари бўйича техник-тактик
кўрсаткичлар**

Рақиб жамоалар	Химоячилар	Ярим химоячилар	Хужумчилар	(х)
Ўзбекистон Сингапур	0,85	0,77	0,71	0,77
Ўзбекистон Эрон	0,76	0,75	0,64	0,71
Ўзбекистон Бахрайн	0,78	0,76	0,70	0,75
Ўзбекистон Ж. Корея	0,80	0,73	0,65	0, 72

**2008 йилги ўсмирлар Осиё чемпионатида совриндор
жамоаларнинг амплуалари бўйича ўртача (х) техник-тактик
кўрсаткичлари**

Совриндор жамоалар	Химоячилар	Ярим химоячилар	Хужумчилар	(х)
Ж. Корея	0,84	0,79	0,73	0,78
Б.А.А.	0,86	0,79	0,72	0,77
Япония	0,83	0,77	0,70	0,75
Эрон	0,83	0,78	0,74	0,78

Бу натижалардан ўсмирлар терма жамоамизнинг 2008 даги Осиё чемпионатидаги ўйинларда тактик томонлама камчиликлар юзага келган. Тўпни ўйинда назорат қилиш бўйича статистик кўрсаткич ҳам бизнинг футболчиларнинг тактик томонлама рақибларга ўйинни бой беришганлигини англаш мумкин.

2010 йилдаги Осиё чемпионатида Ўсмирлар терма жамоамизнинг ўйинлардаги тахлили натижалардан уларнинг умумий ўйин ўсиш суратини ошганлигини аниқланди. Ўсмирлар терма жамоамиз 2010 йилги Осиё чемпионатида 6 та ўйинни ўтказишиб шундан, 5та учрашувда ғалабага эришилиб, фақатгина финалда Шимолий Корея ўсмирлар терма жамоасига мағлубиятга учрашди.

жадавалда Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатидаги 2010 жамоаларнинг майдондаги тактик ўйинлари ўсмир футболчиларнинг ҳужумдаги, ҳимоядаги техник-тактик ҳарактларининг натижалари кўрсатилган. Чемпионатда совиндор бўлган жамоаларнинг тактик ўйинларини тахлили натижалардан Ш. Корея, Ўзбекистон, Австралия, Япония ҳужумкор тактикада ҳаракатилишган.

Япония, Ш. Корея ўсмирлар терма жамоалари ҳужумни ташкилаштиришда ўйинларида ўртача 12,5-16,2 сек ҳаракатланишган ва айнан шундай тезкор ҳужумларда рақиблар дарвозасига кўп бора тўп киритишган. Австралия ўсмирлар терма жамоасининг ҳужумни ташкиллаштиришда ўртача 17,6-22,1 сек вақт кетган бу эса уларнинг позицион ҳужумдан кенг фойдаланганлигини кўрсатади.

6-жадавалда совиндор терма жамоларнинг чемпионат давомида майдон ҳудудлари бўйича туп узатишларнинг

**2010 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида
Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ўйин кўрсаткичлари**

	Ўзбекистон жамоаси рақиблари	Мадондаги тактик жойлашуви	Ўйинда тўпни назорат қилиш	Ўйин натижаси	Хафли хужумлар сони
1.	Ўзбекистон	1-4-4-2	60 %	4	11
	Индонезия	1-5-4-1	40 %	0	5
2.	Ўзбекистон	1-4-4-2	55 %	1	5
	Иордания	1-4-4-2	45 %	1	6
3.	Ўзбекистон	1-4-4-2	62 %	7	14
	Тожикистон	1-5-4-1	38 %	0	4
4.	Ўзбекистон	1-4-4-2	52 %	2	7
	Сурия	1-4-3-3	48 %	1	8
5.	Ўзбекистон	1-4-4-2	51 %	2	7
	Австралия	1-4-4-2	49 %	1	7
6.	Ўзбекистон	1-4-4-2	54 %	0	6
	Ш.Корея	1-4-5-1	46 %	2	7

**2010 йилги ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўсмирлар терма жамоаларнинг хужумдаги статистик
кўрсаткичлари**

Жамоалар	Ўйинлар	Гол	Хужумни ўртача тезлиги (сек)	Хужумда ўртача тўп узатиш	Қанотдан уюштирилган хужум %	Мараказдан уюштирган хужум %
Ш. Корея	6	8	12,5	4	53	47
Ўзбекистон	6	14	16,5	5	52	48
Япония	5	12	12,8	6	60	40
Австралия	5	7	17,0	6	58	42
Сурия	4	4	15,4	4	53	47

самарадорлик кўрсаткичларидан Япония, Ш. Корея футболчилари рақиб майдонида самаралироқ ўйин кўрсатишганлигини англаш мумкин. Ўзбекистонлик ўсмир футболчилари тўп узатишларда майдон марказида 0,78 га самаралироқ ҳарактланишганлиги аниқланди. Лекин, рақиб майдонида тўп узатишларида ноаниқликлар бошқа совириндор жамоаларга қараганда ноаниқликлар биров кўпроқ.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг 2008 ва 2010 йиллардаги Осиё чемпионатидаги умумий натижаларни тақослаганда 2010 йилдаги натижалар самарали бўлганлигини кўрамиз. Тактик томонлама ўйинлардаги ўсмир футболчилармизнинг ҳимояда, майдон марказида, рақиб майдонида ҳужумни ташкиллаштирида фаол ҳарактланишгани таҳлили натижалардан яққол номоён бўлди.

Бунга асосий сабаб чемпионатга мураббийларнинг футболчиларни тайёрлай олганликлари ва ҳар бир учрашувда тактик ўйинларни (рақиб жамоанинг имкониятини, кучини ҳисобга олган ҳолда) тўғри танлай билинганлига эътоф этиш мумкин.

2008 йилдаги Осиё чемпионатда ўсмирлар терма жамоасини бош мураббий Роберт Гай, 2010 йилда эса бош мураббий Сергей Естеев олиб чиқилди. 2008 йилда чорак финалда Ж. Кореяга мағлубият ва Жаҳон чемпионатида бериладиган йўланмадан маҳрум бўлинди.

2010 Осиё чемпионатида 2-ўрин, жаҳон чемпионатида бериладиган йўланма қўлга киритилди. 2011 Жаҳон чемпионатида Сергей Естеев жамоаси ишончли ўйин кўрсатишиб, мусобақани муваффақатли(8 ўрин) якунлашди.

**2010 - Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида
жамоаларнинг майдон ҳудудлари бўйича тўп узатишлари бўйича
самарали кўрсаткичлари**

Жамоалар	Майдон ҳудудлари		
	Ўз майдони ҳудуди	Майдон маркази	Рақиб майдони
Шимолий Корея	0,85	0,74	0,64
Япония	0,88	0,78	0,68
Австралия	0,82	0,73	0,64
Ироқ	0,83	0,77	0,70
Сурия	0,88	0,68	0,62
Ўзбекистон	0,87	0,78	0,59

1.4.Сўнги халақаро мусобақаларда тактик ўйинлар тахлили

XXI аср футболи ўз кўринишлари билан тезкорлиги, тактикаси, футболчиларнинг ҳаракатлари билан XX аср футболдан анча фарқ қилади.

Ўтказилиб келинган жаҳон чемпионатларида кўплаб терма жамоалар тактика борасида футболга янги усулларни олиб келишган. Бразилия, Германия, Италия, Аргентина, Голландия терма жамоалари бир неча бор ўзларининг тактик ўйинлари билан жаҳон футболда юксак натижаларга эришганлар.

Хозирги футбол ўйинда ўйинчиларнинг техник жихатдан мохир, жисмоний сифатлари ривожланган бўлишигина эмас, балки тактик тафаккури ҳам юкори бўлишини талаб этмоқда.

Ўйинчиларнинг ҳаракатчанлиги, универсаллигини ошириш ва ўйинни аниқроқ уюштириш ҳисобига жамоанинг хужум қудратини кучайтириш тенденцияси замонавий футбол тараққиётидаги бош ўйинлардан бири ҳисобланади. Замонавий футболда хужум ҳам химоя ҳам жамоа бўлиб ҳарактланишга қаратилган ўйин усуллари билан олиб борилмоқда. Майдон ўйинчиларининг ўзаро алмашиб ўйнашлари, айниқса хужумда чизиғида самрали ҳаракатланиш имконияти берилмоқда. Жаҳон футболда айрим юлдуз ўйинчиларни индивидуал ҳаракатлари жамоавий ўйинга кўп буйсиндирилмоқда. Шунингдек импровизация килиш ҳам эндиликда индивидуал эмас, балки гурухли бўлиб тандем ҳосил қилиш, ракиб ўйинчиларга қийнчиликни олиб келади.

Германияда ўтказилган XVIII Жаҳон чемпионатида футбол мутахассислари таъкидлаб келган Европа, Жанубий Америка, Африка ва Осиё футбол услубларининг қўшилиб борилаётганлиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлади.

Бу Бразилия, Германия, Англия, Италия, Гана, Япония терма жамоаларининг уйинларида яққол сезилди. 2002 йилдаги жаҳон чемпионатининг ярим финалида Осиёликлар ҳам иштирок этишди. Жанубий Корея футболчилари техника, тактика томонлама жуда юксак тайёргарликка эга эканлигини амалда курсатишди. Жанубий Корея терма жамоаси дунёнинг кучли терма жамоалари Португалия, Италия, Испания устидан ғалаба қозонишди.

Мутахассислар эъторфича XVII жаҳон чемпионатида футбол жамоалари тактик томонлама қуйидагича харкатланишган. Футболчидарнинг майдонда кенглик бўйича жойлашуви ҳар қандай чизик уйинчиларининг алмашиб уйнай олиши, универсаллик ва ихтосослашуви элементлари нисбати анча замонавий тусга эга бўлди. Жаҳон чемпионатида етакчи жамоаларнинг Бразилия, Италия, Англия, Португалия, уйинларида ҳужум ва ҳимоя мақсадларида уйин тизимларининг турли вариантларидан фойдалана билиш кўзга ташланди.

Жамоалар ҳимоя ва ярим ҳимоя уйинида 4-5-1, 4-3-3, ҳужумда эса 3-5-3, 3-4-4, тактик тизимларда ҳам ўйин курсатишди. Шунга мувофиқ равишда уйин олиб боришнинг қуйидаги услублари энг мақбул ҳисобланади.

Португалияда ўтказилган Европа чемпионатида кўплаб жамоалар тўғри танланган тактика асосида галабага эришдилар. Греция, Латвия, Португалия терма жамоаларининг куллаган тактикалари бунга яккол мисол бўлла олади. Бу терма жамоаларнинг майдонда куллаган тактикалари бир-биридан фарк килади. Греция терма жамоаси майдонда химоявий тактик усулини қўллаб барча терма жамоалар устидан галаба қозонди. Латвия терма жамоаси ҳам химоявий усулда уйнаб яхши натижаларни уйин кўрсатишди.

Голландия, Чехия, Англия терма жамоалари ҳужумкор уйин услублари орқали рақиблар устидан галабага эришдилар. Европа чемпионатида кўплаб терма жамоалар тўғри танланган тактика орқали рақибларни мағлубитга учрата олдилар.

Португалияда ўтказилган Европа чемпионатидан кейин кўплаб футбол мутахассислари терма жамоаларнинг тактик ўйинлари ҳақида шундай эътирофларни билдиришди.

ФИФА президенти Й.Блаттер Греция терма жамоаси химоявий уйин услуби орқали тўб бурилиш ясашди. Улар Европа чемпионлигини қўлга киритишди, аммо химоявий услуби камдан-кам ҳолларда муваффақият олиб келади. Латвия терма жамоаси қўтилмаганда химоявий уйин услуби орқали европанинг қучли жамоаларига қарши муносиб ўйин кўрсатишди.

Мишель Платини Европа чемпионати-2008, жаҳон чемпионати - 2010 да Испания, Голландия терма жамоалари ҳужумкор тактик ўйинлари билан ҳужум тактикасини намунасини (модельни) намойиш эта билишди. Уругвай, Гана, Аргентина, Германия, Англия

терма жамолари ҳам хужумкор ўйин курсатишди. Кўп ҳолларда биз жаҳон чемпионати 2010 йилда ўйинларда хужум тактикасининг ривожланиш тенденцияларини кузатишга мувофиқ бўлдик.

*Осиё футбол жамоаларининг майдондаги тактик ўйинлари
таҳлили.*

Осиё терма жамоалари ҳам ўзларининг кучли ўйинлари билан дунё футболда ўз ўринларига эга бўлишмоқда. Осиёнинг етакчи Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистон, Эрон, Австралия терма жамоалари жиддий ўйин сифатида қарашади.

Мутахассислар эътрофича осиё қитъаси терма жамоалари ўтказилган сўнги жаҳон чемпионатларида ўз ўйинлари билан жаҳон футбол мутасадиларнинг ишончига эга бўлишган. Уларнинг фикрича энди жаҳон чемпионатида Европа, Жанубий америка, Африка қитъаси терма жамоларига қўшилиб Осиёлик футболчилар ҳам юқори ўринларга давогар бўлишади.

Ўрганилаган натижаларга кўра Осиё терма жамолари ҳар қандай рақибга қарши хужумкор тактикада ўйин кўрсатишган, футболчиларнинг тезкор ҳаракатлари уларнинг рақибдан устун бўлишни таъминлаган.

2010 йилда жаҳон чемпионатидаги статистик кўрсаткичлар бўйича Осиё жамоалари юқори кўрсаткичга эга бўлишган. Осиё терма жамолари учрашувларида ўз ўйин тактикаларида ҳарактланишади. Осиё футболнинг ривожланиши терма жамоларда ҳам ўйин услубларнинг ўзгаришга олиб келди. Осиё терма жамоалари ўйини

таҳлил қилганимизда тактик тайёргарлик бўйича кўпгина маълумотларни ўргандик.

Саудия Арабистони терма жамоасининг тактик ўйинлари

С.Арабистони терма жамоаси Осиёнинг кучли терма жамоаларидан деб эътироф этилади.

Терма жамоанинг ҳар бир учрашувда хужумкор тактикада ҳаракатланишади. Жамоа футболчиларда ҳар бир ўйинга ғалабага ишонч билан тушиш хусусияти бор. Улар доим ўзларини рақибларига нисбатан кучли деб ҳисоблашади, ва бу Саудия Арабистонининг рухий устунлигини таъминлайди. Футболчиларнинг жисмоний бақувват, тезкор. Қарши хужумлардан кўп вазиятлардан унумли фойдаланишади.

Жанубий Корея терма жамоасининг майдондаги тактик ўйинлари.

Ж.Корея терма жамоаси дярли барча ўйинларга 4 – 4 – 2 тактик тизимда майдонга тушади. Ж.Корея терма жамоаси европа футболи учун анана ҳисобланадиган комбинацион ўйин намоиш этади. Ярим ҳимоянинг кучи жамоанинг майдондаги устунлигига асосий сабаб ҳисобланади. Ҳар бир европа футболига хос жисмоний бақувватлик, Ж.Кореяда ҳам яққол кўзга ташланади. Қарши хужум кўп ҳолларда муваффақятли амалга оширилади стандарт вазиятларда самарали ўйиланган комбинацин ўйинлар ва ҳар қандай рақибга хужумкор тактикада ҳаракатланишади.

Эрон терма жамоасининг майдондаги тактик ўйинлари.

Эрон терма жамоасининг майдондаги тактик тизим услуби 1-4-4-2 бўйича ҳаракатланади. Маъсулиятли ўйинларда ўзини йўқотиб қўймайди. Техник томонлама малакалари етарли, жамоа ҳар бир ўйинда малакали ярим ҳимоячи (диспетчир) билан ҳаракатланади, бу эса Осиёнинг бошқа ҳеч қайси вакилига ҳос бўлмаган хусусият. Рақиб жамоаларига қарши кўп ҳолларда ҳужумкор тактик усулини қўллашади. Ўйинчилар ёш жиҳатидан анча катта ҳисобланишади.

1.5. Ёш футболчиларда ўйин тактикаларни тарбиялашда, ўйин қоидаларни ўзлаштириш

Ёш футболчиларнинг тактик ҳаракатларни тарбиялашда футбол ўйин қоидаларни ёддан билиш муҳимдир. Ўйин қоидаларни ўзлаштирган ёш футболчи ўйин вазиятларида ўз жамоадoshларни ҳужумда, ҳимоядаги ҳаракатлари ноаниқликлар юзага келишга йўл қўймайди. Футбол ўйинларида футболчиларнинг ўйин қоидаларни билмаслиги, ҳакамлар билан тортушувларини, вазиятларда оддий қоидаларни бузилшини, ҳаттоки йирик мусобақарлада ҳам қўзатилиши сир эмас.

Ўйинчилар ўйин майдони, майдончалар, дарвоза ва тўпнинг ўлчамлари ҳакамларни мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни билиши шарт.

Текширишлардан шунини аниқладикки, ёш футболчиларни ўйиндан ташқари ҳолатда, жарима ва эркин тўпларни ўйинга киритишда ҳаттоки ён чизиқдан тўпни ташлашда ҳатоларга йўл

қўйишади. Ёш дарвозабонлар ҳам қондани билмасликлари туфайли, жамоаларни мағлубиятга учрашларига олиб келишади.


Ёш футболчилар ўйинларда ўйиндан ташқари ҳолатни юзага келтиришда кўпгина хатоликларга йўл қўйишади. Бундай хатоликларга йўл қўмаслик учун ўйиндан ташқари ҳолатни юзага келтириш ёки бўлмаса офсайд ҳолатига тушиб қолмасликда, ёш футболчиларнинг ўйин вазиятини тўғри баҳолай олишларигина самарали ҳаракатланишни таъминлайди. Ўйиндан ташқари ҳолатни вужудга келтириш, рақиб ҳужумни тўхтатишда ёки аксинча ўйиндан ташқари ҳолатни ноаниқ қўлланилиши ҳужумчининг кўп ҳолларда дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқариб, гол бўлишига олиб келади.


Биз ўйиндан ташқари ҳолатларни ўйинларни юзага келтириш ва ушбу ҳолатга тушиб қолмасликда майдонда самарали ҳаракатланишда, расмларда вазиятларни кўрсатиб берганмиз. Бу вазиятларда майдонда ўйиндан ташқари ҳолатларнинг борлиги ёки йўқлиги назарий тарзда ҳам тушунтирилиб берилган.

Расмлардаги шартли белгилар


О -ҳужум уюштираётган жамоа

 - ҳимояланаётган жамоа

 - тўпнинг йўналиши


 - ўйинчиларнинг ҳаракатланиши

1-Вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат




Ўйиндан ташқари ҳолат кузатилди. А уйинчи туп билан хужум уюштириш вазиятида, В ўйинчига тупни узатди. В уйинчи бу вазиятда Y ва X рақиб ўйинчиларига қараганда, рақиб дарвозасига яқин турибди.

2-Вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат йўқ



Ўйиндан ташқари ҳолат кузатилмайди. А ўйинчи хужум уюштиришда, Z рақиб ўйинчиси орқасида турган В жамоадосига тўпни узатди. Бу ҳолатда В1 жойдан В2 жойга туп узатилган томонга қараб ҳарактланган. Тўп узатлиган вақтда Y рақиб ўйинчи ўз дарвозаси яқин ўйинчи бўлган.


3-Вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат



Ўйиндан ташқари ҳолат. А ўйинчи рақиб дарвозасига зарба берди. Дарвозабон D тўпни қайтради, тўпни йўналиши В ўйинчига келиди, В ўйинчи қайтган тўпни дарвозага йўллаб гол киритди.


Бу вазиятда ҳакам голни инобатга олмади, чунки А ўйинчи зарба берганда В ўйинчи рақиб дарвозасига Z ва Y рақиб ўйинчиларига қараганда яқин турибди.

4-Вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат йўқ.




Ўйиндан ташқари ҳолат йўқ. В ўйинчи тўпни узатётганда, А ўйинчи майдон чизиғининг ўз томонида бўлган. А ўйинчи Z ва Y рақиб ўйинчиларига қараганда рақиб дарвозасига яқин бўлишига қарамай, бу ҳолатда ўйиндан ташқари ҳолат деб қаралмайди.

5 вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат




Ўйиндан ташқари ҳолат. А ўйинчи рақиб дарвозасига кучли зарба берди, зарба дарвозанинг устунига тегиб В ўйинчига келиб тушди ва тўпни дарвозага киритди. Ҳакам ушбу вазиятда голни ҳисобга олмади. А ўйинчи рақиб дарвозасиги зарба берганда В ўйинчи У рақиб ўинчисига қарганда, рақиб дарвозасига яқин жойлашган.

6-Вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат йўқ.



Бурчак тўпи бажарилаётган вазиятда А ўйинчи тўпни ўз жамоадоши В ўйинчига етказди. В ўйинчи рақиб дарвозасига яқин бўлишига қарамай тўпни дарвозага киритди. Бу вазиятда киритилган гол ҳисобга олинди. Бурчак тўпининг биринчи зарбаси, ўйиндан ташқари ҳолат белгиланмайди.


7 вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат



Ўйинчи А дарвозага зарба берди. Химоячи Y зарба йўлига тўсқинлик қилиб қайтаришга уринди. Тўп Y химоячига тегиб В ўйинчига келиб тушди. В ўйинчи дарвозага зарба берди.

Бу ҳолатда гол ҳисобга олинмайди, чунки А ўйинчи томонидан дарвозага зарба берилганда В ўйинчи рақиб дарвозасига яқин ҳолатда турибди.

8 вазият. Ўйиндан ташқари ҳолат йўқ




Бу вазиятда ўйиндан ташқари ҳолат йўқ. А ўйинчи тўпни узатиётганда В ўйинчи Y химоячи билан бир чизикда турибди. Тўп узатилаётганда икки ўйинчи рақиб дарвозасига биргаликда яқин ҳолатда.

Футбол ўйинида тактик тизимларнинг қўлланилиши


Тактик тизим - бу ҳар бир ўйинчининг алоҳида хусусиятлари асосида футбол майдонида тўғри жойлаштирилган ҳолда жамоа бўлиб ўйнаш ҳаркатларини ташкил этишдир. Тактик тизим футбол ўйини тарақиётида бир неча бор ўзгариб келган. Тактик тизимнинг биринчи кўринишлари жамоаларда 2-5-3 тизимида қўлланилган. Ушбу тизимни тарих манбаларида италиянча тизим ёки булмаса австрия жамоаларнинг тизими деб юритилган. Футбол ўйин қоидаларнинг такомиллаша бориши тактик тизимларга ўз таъсири ўткази бошлаган. Футбол ўйинга ўйиндан ташқари ҳолат қўйдасини киритилиши, жамоаларда 3-5-2 (дубл ве) тактик тизимини юзага келишга сабаб бўлди. Дубл ве тактик тизимида қўллаш футбол жамоаларнинг майдонда муваффақиятли ҳаракатланишга олиб келди. Дунё футбол спорти бўйича етакчи ҳисобланган Бразилия терма жамоаси ҳам футболдаги 4-2-4 тактик тизимида ҳаракатланиши билан футболга янги тактик услубни олиб келган ва жаҳон чемпионати мусобақаларида ғолибликка эришишган.

Ўтказилаётган жаҳон чемпионатларида терма жамоаларнинг тайёргарликлари ва футбол ўйининг янги ўйин услубларни кўрсатишади. Дунёнинг етакчи терма жамоалари ўз ўйинлари билан мутахассислар эътиборида бўлди. Ҳар бир ўйинга аниқ режага асосан тайёрланган, вазият тақозосига қараб, ўз тактик тизимни, услубини ўзгартиришга қодир бўлган жамоагина юксак натижаларни қайд этди.



1-4-4-2 тактик тизими


1-4-4-2 тактик тизими замонавий футбол ўйинида жамоалар томонидан энг куп қўлланиладиган тактик усулдир. Ушбу тактик тизим жамоанинг хужумкор тактикада ҳаракатланишинидан дарак беради. Ушбу тактик тизимда иккита хужумчи бир бирлари билан таңдем ҳосил қилиб хужумни янада самарали ижро этилишини таъминлайди. 1-4-4-2 тактик тизимини европанинг М.Юнайтед, Арсенал, Бавария, Ювентус каби клублари деярли ҳар ўйинда қўллашади.



1-4-5-1 тактик тизими

Ушбу тактик тизим ҳам футбол жамоаларнинг рақиб устидан ғалаба қозонишида ишлатиладиган самарали усулдир. 1-4-5-1 тактик тизимида Челси жамоаси кўпгина учрашувларида муфаввқиятли ўйин кўрсатиб келмоқда. Айнан шу тактик тизим орқали Челси клуби сўнги вақтларда халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, дунёнинг етакчи клублар рўхатидан ўрин олган. 2012 йилдаги Европа чемпионлар лигаси мусобақасининг бош соврини челси клубига насиб этди. Мутахассислар эърофича Челси клуби ярим химоячилари Ф. Лемпард, Ф. Малуда ва марказий хужумчи Д. Дрогба ушбу тактик тизимини самарали, мазмунли ижро этилишни кўрсатишган.

Тошкентнинг “Бунёдкор” футбол жамоаси ҳам айнан 1-4-5-1 тактик тизимда ҳаракатланади. Тактик тизим орқали осиёнинг етакчи клубларни мағлубиятга учрата олган.



1-4-3-3 тактик тизими

1-4-3-3 тактик тизими хужумкор ўйин тактикасини номоён этади. Бу тактик тизимда Барселона жамоаси самарали ҳаракатланиб сўнги йилларда барча рақиб жамоаларни мағлубиятга учрата олмоқда. Мутахассислар эътофича майдон марказида ярим химоячилар Хави, Инеста, Педролар ҳарбир хужумни ташкил этишда хужумчилар Месси, Вилья, Фабрегаслар билан биргаликда қисқа тўп узатишларда ҳар қандай рақиб химоя чизиғидан ўта олишларни кўрсатишмоқда. Ушбу тактик тизимда ҳаракатланиш орқали Барселона жамоаси 2006-2012 йиллар оралиғида дярли барча мусобақаларда совринларга яга бўлишди.

Хулосалар

1. Назарий машғулотларни ўйиндан ёки жисмоний машғулотдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқдир, чунки қийин машғулот ва ўйиндан кейин футболчилар толиққан бўлади ва назарий кўрсатма, билимлар самара бермайди. Машғулотдан олдин қисқа назарий дарслар ўтиш мумкин, бунда мураббий олдиндаги мақсад ва вазифаларни очиқ бериш, макетлар ёрдамида машқлар мазмуни билан таништириш, ҳар бир ўйинчига топшириқ бериш, олдинги хатоларни тўғрилаш йўллариини тушунтириши лозим.

2. Тактикада назарий тайёргарлик ўйин қоидаларини билиш ва тактиканинг алоҳида воситаларини эгаллашни кўзда тутати. Футболчи ўйиннинг асосий тизимлари ва уларнинг вариантларини жамоадаги муайян ампула ўйинчиларининг вазифасини учрашувнинг ҳар хил боскичларидаги ҳаракатларнинг ўзаро муносабатини объектив шарт-шароитларнинг ўйин жарёнига таъсири ҳамда ташқи омиллардан жамоа манфатлари йўлида фойдаланишни билиш зарур.

3. Футбол тактикаси назариясини ўрганиш ўйиннинг асосий қоидаларини тушунтиришдан бошланиб, улар ўйин машқларини бошқариш давомида ҳамда машғулот ўйинлари вақтида амалий жиҳатдан ўзлаштирилади. Футболчиларнинг ўйин фаолияти шароитларида яхши мўлжал олиш ва техник-тактик жиҳатдан тўғри қарор қабул қилиш қобилияти кўп жиҳатдан назарий билимлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

4. Ёш футболчиларни назарий билимларни ошириш ва мустахкамлашда методик хоналарнинг замонавий асбоб-ускуналар яъни, футбол майдон макетлари, доскалар, DVD, видео проектор, компьютер жихозлари билан жихозланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Футбол ўйинлардаги тактик услубларни назарий машғулотларда кўрсатиб тушунтиришнинг афзаллиги шундаки, кучли жамоаларнинг ўйинини кўп маротаба ўрганишга имкон яратади. Бундан ташқари ўз тактик ҳаракатларини таҳлил этишга энг самарали йўлларидан биридир.

Адабиётлар рўхати

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ-338-қарори.
2. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2012 йил 1 июндаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш масалалари тўғрисида” ги ПҚ-338-сон қарори.
3. Акрамов Р.А. Ёш футболчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш. Т., изд. Медицина, 1989.
4. Алиев М.Б Распределение нагрузок различной направленности в учебном-тренировочном процессе юных футболистов на основе комплексного контроле // Фан-спорта №4 -2006
5. АкрамовЖ.А Абидов Ш.У. Ёш футболчиларнинг мусобақа фаолиятнинг хусусиятлари. // Фан-спортга №1 -2007
6. Айрапетьянц Л.Р. Этапы, содержание и методы спортивно-технической подготовки спортсменов в игровых видах спорта. // № 2. 2010.
7. Годик М.А. Двигательная активность футболистов в условиях соревновательной деятельности. // Фан спортга №3, 2005.
8. Курбонов О.А. Совершенствование ударов по мячу головой юных футболистов. // Фан спортга №4. 2006.
9. Качалин Г.Д. Тактика футбола. – М.: ФИС, 1986.
10. Лисенчук Г.А. Управление подготовки футболистов. К., изд. Олимпийская литература, 2003.

11. Люкшинов Н.М. Стрелец В.Г. Новое в подготовке юных футболистов 8-10 лет // Теория и практика физ. кул.-№5.-1990
12. Майпас И.Е. Программирование тренировочных нагрузок юных футболистов на этапе спортивного совершенствования. Автореф. дисс. канд. пед. наук. –Т., 2004.
13. Нуримов Р.И. Ёш футболчиларни техник-тактик тайёрлаш. Ўқув қўлланма.-Т.: 2005.
14. Нуримов. Р.И. Турли тоифадаги футболчилар мусобақа фаолияти тузилишининг таҳлили таҳлили.// Фан спортга №1. 2004.
15. Сучилин А.А., Лапатов А.Н., Освоершенствовании системы подготовки футбольного резерва // Теория и практика физ. Кул. -1994.
16. Сейтхалилов Э.А. К вопросу о контроле и гарантиях качества образования в Республике Узбекистан. // Фан спортга №3. 2011.